



## Сильвестр Сталлоне

### 1 ДОЛЛАРЛИК МУВАФФАҚИЯТ

Майкл Сильвестр Сталлоне — Ҳолливуднинг “экшн” жанри бўйича энг кўзга кўринган, тан олинган устмонларидан бири. У “Рокки” (1976) фильмидаги боксчи роли орқали оламшумул машҳурликка эришди. “Рэмбо. Биринчи қон” (1982) фильмидан бошлаб мазкур туркумдаги тўртта лойиҳада иштирок этди. “Қояга чиқувчи”, “Мутахассис”, “Полициячилар ҳудуди” ва бошқа фильмларда суратга тушди. Ҳамкасбларидан фарқли ўлароқ, Сталлоне сценарийнавис, режиссёр ҳам. “Рокки”нинг бешта қисми сценарийсини ёзган, улардан учтасига режиссёрлик қилган. Ёши анча ўтганига қарамай, Сталлоне бугун ҳам фильмлар суратга олиб, роллар ижро этмоқда...

Болалик – одамовилик

Майкл Сильвестр Гарденцио Сталлоне 1946 йил 6 июлда Нью-Йоркда дунёга келган. Отаси Франк Сталлоне – италиялик муҳожир – поло ўйинида отларга нисбатан шафқатсиз, шунингдек, аёлларга суяги йўқ одам эди. Онаси Жаклин Лейбофиш — вашигтонлик адвокатнинг қизи — гўзаллиги билан сахнада ярқираб турарди. У Билли Роузнинг афсонавий “Даймондз Хорсшу Клуб” гуруҳида чиқиш қиларди.

Сильвестр туғилиш чоғида дояларнинг эҳтиётсизлиги оқибатида юз мушакларига захмат етди – лунжи, лаби ва тили фалаж бўлиб қолди. Ўғли билан юз берган бундай кўнгилсизликдан онаси Жаклин шунчалик жазавага тушдики, натижада хавфсизлик хизматини чақиришларига тўғри келди. Бундай туғилиш яхшиликка эканми, гўнғир-гўнғир овоз, илжайиш ва катта-катта ғамгин кўзлар келгусида Слайнинг ташриф қоғозига айланди.

1951 йилда уларнинг оиласи Вашингтонга кўчиб ўтди. У ерда хусусий пардоз-андоз салони очишди. Шанба кунлари Слайга кинотеатрга боришига рухсат берилар ва болакай у ерда кун бўйи қолиб кетарди. Эcranга тикилган кўзлар кучли ва жасур қаҳрамонларнинг саргузаштларини кузатар, жажжи болакай сирли равишда улар каби бўлишни орзу қиларди.

Ота-онасининг ажрашувидан сўнг, 1957 йили Сталлоненинг онаси Филадельфияга кўчиб ўтди. Слай ва унинг укаси Фрэнк, ота-онасининг келишувига кўра, гоҳ отаси, гоҳ онаси билан бирга яшашди. Ўғлининг ўз калласи ёрдамида ҳаётда дурустроқ натижага эришишига кўзи етмаган Франк унга танасини чиниқтириши кераклигини маслаҳат берди. Бу ўғитга амал қилган Сильвестр тез орада нимжон боладан бақувват ўсмиргга айланди,

Бироқ мазкур жараён бир нечта мактабни алмаштиришига олиб келди: ёмон хулқи боис уни ҳайдаб юборишарди. Ниҳоят, Сталлоне тарбияси оғир болалар мактабида пайдо бўлди – ўқишдан ташқари у бокс ва футболда яхши самараларга эришди. Америкадаги бир нечта мактаб, Швейцариядаги коллеж ва Сталлоне ўрта мактаб маълумотини олди. У уятчанликни йўқотиш мақсадида драма тўғарагига қатнади, шунинг баробарида яна спорт билан шуғуллана бошлади. Слайнинг санъат билан машғуллигини истеҳзо билан қарши олишди, аммо каттара бошлаган мушаклари ва тажовузкорлигига жиддий қарашди.

Салом, Толстой!

Олтмишинчи йилларнинг охирида Сталлоне Майями университетининг драматик факультетига ўқишга кирди, бироқ бу даргоҳдаги таҳсил тез орада унинг жонига тегди. Саҳнани забт этишга қатъий аҳд қилган бўлажак актёр Нью-Йоркка қайтди. Бу йўл осон эмас эди. Актёрликка қадар у ўзини турли ишларга уриб кўрди. Сильвестр кўнгилочар масканлардан маст-аластлар, тўполончиларни ҳайдаб чиқарувчи ходим, ҳайвонот боғидаги шерлар қафасини йиғиштирувчи фаррош бўлиб ишлади, ҳатто маълум вақт қарта ўйнаб, пул топишга ҳаракат қилди. Фақат 1969 йилда Нью-Йоркдаги кичкина театрга чипта текширувчи бўлиб ишга киргач, кафти сал-пал пул кўрди. Бироқ унинг кинодаги мавқеи барибир узоқ вақт ўнганмади. Сталлонега кичик-кичик роллар насиб этар, ҳатто Вуди Аллен ва Алан Пакула сингари донгдор режиссёрлар ҳам ундаги иқтидорни илғамасдилар.

Режиссёрларнинг бирортаси тузук-қуруқ гапира олмайдиган актёр билан муносабат ўрнатишни истамасди. Сталлоне дудуқликни даволовчи мутахассисга мурожаат қилишга мажбур бўлди. У бир неча ой мобайнида Шекспир пьесалари, Алан По ва Толстой китобларини овоз чиқариб ўқиб, магнитофон тасмасига ёзиб борди (хотини Саша эса бу вақтда официант бўлиб ишлаб, рўзғорни тебратиш учун пул топарди). Классик асарлар билан танишув Сталлонега шу қадар кучли таъсир қилдики, у қўлига қалам олиб, бўлғуси фильмлари учун сценарийлар ёзишга ўтирди. Дарвоқе, Майями университети талабаси бўлган чоғларида у сценарий ёзишга уриниб кўрган эди. Табиийки, улар ўшанда ниҳоятда хом бўлган.

Еттинчи сценарий

1976 йили у ҳануз автофургонда яшар, чўнтагида мудом йигирма долларча пул бўлар, қарамоғида эса ишсиз хотини ва бир яшар ўғли бор эди, холос. Бир куни у телевизорда машҳур боксчилар Муҳаммад Али ва Чак Вепнернинг беллашувини кўриб қолди. Ва бирдан хаёлига ялт этган фикр келди: нима учун омади юришмаган ва бир қизни севиб қолиб, барча устидан ғалаб қозонган боксчи ҳақида фильм суратга олиш мумкин эмас? Сталлоненинг олти сценарийси “Универсал” киностудияси бўсағасидан қайтарилди. Фақат еттинчиси – “Рокки” уларга манзур бўлди. Продюсерлар муаллифга ҳали шу пайтгача у кўрмаган улкан пуллар – 350 минг доллар таклиф қилишди. Бироқ... Улар Сталлоненинг жавобидан ҳайратга тушдилар: чўнтагида тузук-қуруқ ақчаси бўлмаган

ва уйида ҳомиладор хотини кутаётган ёш актёр ўзининг сценарийси учун бор-йўғи бир доллар сўради. Фақат эвазига бош ролни ўзи ўйнаши керак. Айнан ўшанда “Универсал” вице-президенти Ирвин Уинклер Сильвестрға Слай (айёр) деган лақабни берган.

“Рокки” ҳаммаси бўлиб, 900 минг долларга ва 28 кун ичида тайёр бўлди. Шу тарзда 225 миллион доллар пул йиғиб, 1976 йилнинг энг яхши фильмига айланди. Сталлоне дунёнинг энг машҳур актёрлари сафидан ўрин олди.

Кинотанқидчилар “Рокки”га жуда юксак баҳо бердилар. Фильм учта “Оскар”ни қўлга киритди, шунингдек, Британия академиясининг бир неча номинациясига лойиқ топилди. “Рокки”ни негадир жанговар фильм ҳисоблашади, аслида у ғалабага бўлган ишонч, усиз ҳаётда ҳеч нимага эришиб бўлмаслиги ҳақида ҳикоя қилади.

Миллионлар ва 60 минг!

Кинобизнесдаги янги одамнинг муваффақиятини кўпчилик кутмаган эди. Сталлоне жон-жаҳди билан ишга ёпишди, унинг ўзига ҳам роллар ёғилган, бироқ ёш актёр энди танлаб ижро этишга ўзини муносиб ҳисобларди. У “Жаннатдаги тор кўча”да бош роллардан бирини ижро этди, мазкур фильмда сценарийнавис сифатида ҳам намоён бўлди. Сталлоне “Мушт” фильми сценарийсини ёзишда ҳам иштирок этди, унинг киномайдондаги ҳамкорларидан бири машҳур Род Стайгер эди.

Бироқ муваффақиятлари билан бирга омадсизликлар ҳам бўй кўрсатди. Масалан, Сталлоне режиссёрлик қилган, Жон Траволта суратга тушган “Тирик қолиш” (машҳур “Шанба оқшоми талвасалари” фильмининг давоми), “Биллур тоғда” кинокартинасидаги Долли Партон билан бирга ижро этган роли танқидчилар томонидан совуқ кутиб олинди.

1982 йилдан эътиборан Сталлоне нафақат Рокки, балки Рэмбо ҳам эди. У миллий қаҳрамонга айланган бирваракайига икки образни яратган дунёдаги ягона актёрга айланди. У экранда пайдо бўлгач, омма ва продюсерлар Сталлоне қиёфасида “бузувчи”ни кўра бошладилар. 1997 йили “Полициячилар ҳудуди” фильмидаги шериф (Роккидан кейинги энг яхши образ) учун актёр нафақат йигирма килога озишга рози бўлди, балки ўша пайтдаги 15 — 20 миллион доллар ўрнига 60 минг доллар гонорар билан қаноатланди. У мушаклари билан эмас, истеъдоди, иқтидори ёрдамида ҳам ҳар жиҳатдан ўйнай олишга қодирлигини барчага исботламоқчи эди.

Сталлоненинг комедия актёри сифатидаги уриниши мухлислар қалбида акс-садо бермади – “Тўхта! Акс ҳолда менинг онам ўқ узади” фильмининг кассабоп муваффақияти камтарона бўлди. Режиссёр Ренни Харлиннинг “Қояга чиқувчи” фильмини Сталлоне фаолиятидаги омадли киноасар дейиш мумкин. У бир нечта номинация бўйича “Оскар”га тавсия қилинди. Касса йиғими эса чорак миллиардни ташкил этди. Сталлоне “Қояга чиқувчи”да бош ролни ижро этганидан ташқари сценарий ёзишда ҳам қатнашган.

Сталлоне яна кўп бюджетли ва ўзига хос қаҳрамонлари бўлган лойиҳаларда иштирок этди. Шэрон Стоун ва Жеймс Вуд билан “Мутахассис”, Антонио Бандерас билан “Ёлланма қотиллар”, режиссёр Роб Коэннинг “Кундузги ёғду”... Гарчанд, мазкур фильмлар туфайли у

“Олтин малина” мукофотига лойиқ кўрилган бўлса-да, Роберт Де Ниро ва Харви Кейтель каби актёрлар ҳамкорлигида роль ижро этган “Полициячилар” фильми Сталлоне драматик ролларни ҳам эплаши ва бунинг исботи сифатида Стокгольмдаги кинофестивалда “энг яхши эркак роли” мукофотини олганини намоён этди.

Бокс рингига кекса Рокки Бальбоанинг қайтишини актёрнинг янги мингйилликдаги муваффақиятли иши деб ҳисоблаш мумкин. Сценарийнавис ва режиссёр сифатида Сталлоне нафақат олтмиш ёшда рисоладагидек қоматга эгаллигини исботлади, балки тарихда бокс ҳақида яратилган энг муваффақиятли фильм деб топилишига ҳам сабаб бўлди.

Сталлоненинг сўнги туркум фильмларидан бири “Шиддатлилар” (у актёрликдан ташқари сценарий ва режиссёрликни ҳам зиммасига олган) томошабинлар, шунингдек, Ҳолливуд юлдузлари Арнольд Шварценеггер, Чак Норрис, Микки Рурк ва Брюс Уиллисни кўришга муяссар бўлдилар. Мазкур фильмнинг иккинчи қисми келгуси йилда экранларга чиқиши режалаштирилган.

Ғавғоли “юришлар”

Нью-Йоркдаги кичкина театрда ишлаганида Сталлоне билан Саша Чак исмли мулойим ва софдил қиз бирга ишлар, бу қиз Сильвестрни бир кўришда севиб қолган эди. Саша бу ўртоғини юлдуз қилиб етиштиришга қатъий аҳд қилди. Орадан кўп ўтмай, улар Калифорнияга йўл олишди, 1972 йилнинг ёзида эса турмуш қуришди. Саша унга икки ўғил туҳфа қилди. Бироқ, иккинчи ўғил Сетнинг бедаво хасталик – аутизмга дучор бўлгани аниқланди (1985 йили эр-хотин ажрашганларида Саша Зак бунинг ҳаммасига Сталлонени айбдор деб топган. Тўнғич ўғли Сейж вояга етганида отаси унга “Рокки V” фильмидан роль берди).

Сталлоне машҳурликни қўлга киритганида биринчи бўлиб таниқли актриса ва қўшиқчи Шер суперменга ташланишга муваффақ бўлган эди. Уч кунлик ишқий муносабатлардан сўнг Шер “ўтакетган питекантроп” (луғавий маъноси: энг қадимги замонларда яшаган маймунсимон одамнинг ер остидан топилган қолдиғи) ҳисоблаб, уни ташлаб кетди.

Бироқ Сталлоненинг ўзга маъшуқалари билан бошлаб юборган ишқий саргузаштлари рисоладагидек кечарди. Орадан бир йил ўтиб, актриса Сибил Шепард (“Ой чиққан кеча” сериали орқали таниш) Слай билан учрашувлари ҳақида эҳтиросларга кўмилиб, уни таърифлай кетди...

Сталлоненинг кейинги фаолиятига фақат битта тўсиқ бўлиб, у рашкчи хотини эди.

Сашанинг ўрнида бошқа аёл бўлганида, эҳтимол, бадавлат ва машҳур эрининг хурмача қилиқларига чидармиди! Йўқ, бундай бўлмади. Натижада Ҳолливуд узра Сталлоне оиласидаги ғавғо ва жанжаллар борасида овозалар тарқалди. Ниҳоят, кечалардан бирида Саша Слайнинг янги маҳбубаси Стефани Бичга мушт билан ташланганида барча англаб етди: никоҳ ўз поёнига етган эди.

Маъшуқа танлаш

“Рокки” манекенчи Брижит Нильсенга насиб қилди. Узуноёқ бу хоним биргина ишваси билан Сталлоненинг юрагини забт этган эди. Танишганларидан тўрт ой ўтиб, улар дабдабали тўй қилдилар. Тўғри, бунга келиннинг ташаббуси билан анчайин ғалати никоҳ шартномаси илова қилинди.

Мазкур ҳужжатга кўра, Слай рафиқасига ҳар ойда 100 минг доллар ва ҳар бир “хотинлик бурчи” учун қўшимча 10 минг доллардан пул тўлаши шарт эди. Мазкур шартноманинг янада антиқа бандлари бор эдики, бу ҳақда ёзишга, ҳатто қалам ҳам уялади. Дарвоқе, мабодо Брижит ҳомиладор бўлиб қолса, унга 5 миллион доллар миқдорида пул мукофоти тегиши керак эди. Яна актёр рафиқасига энг юқори тарифлар бўйича пул тўлаб, барча фильмларида иштирок этишини тامينлаши кўзда тутилганди.

Сильвестр Брижит билан бор-йўғи 548 кун яшади ва катта ғавғоларга қолиб ажрашди. Унинг жисмоний баркамолликка бўлган муҳаббати яхшигина миқдор – 16 миллионга тушди.

Икки омадсиз никоҳидан сўнг Сильвестр Сталлоне энди сира уйланмасликка (“Никоҳ – ҳавога совурилган пуллар”) ва актрисалар билан учрашмасликка (“бу ярамаслар мендан фақат пул ва роллар хоҳлашади”) аҳд қилди. Уларнинг ўрнини ёш ва хушбичим манекенчилар эгаллади. “Стар” маълумотларига қараганда, фақат 1988 йилнинг ўзида Слай жаҳоншумул “Элит” агентлигининг 88 нафар манекенчи аёлларини йўлдан урган. Жумладан, ёш Линда Евангелистни, Синди Кроуфорд ва Наоми Кэмпбеллни...

Кўрмаганнинг кўргани...

Сталлоне билан ишқий муносабатлари ҳақида Австрия графининг 20 яшар қизи Андреа Визер тафсилотларигача келтириб ўтган.

Слай Андреага платинли “кредит” (2 миллион доллар) берган: “Бу сенинг ҳеч қачон ишламаслигинг учун”. Ҳар бир учрашувдан сўнг эса яна унга ё 30 — 35 минг долларлик Версаче услубидаги кўйлак, ё Шанель бичимидаги костюм (45 минг доллар), ё ички кийимлар тортиқ қиларди. Биргаликдаги икки ойлик юбилейда эса Сталлоне Андреага “Мерседес” олиб берди: “Бу сенинг жирканч, бадбўй метрода юрмаслигинг учун!”

Бироқ олтин ёмғирлар учун Андреанинг тўлашига тўғри келди. У бошқа шаҳарга кетиши билан Слай телефон орқали боғланиб, безор қилиб юборарди. Кечаси ўн марталаб сим қоқарди: “Ҳозир ким билансан?” Андреа уйдан чиққан заҳоти уни доимий равишда икки тансоқчи кузатиб борарди. Улар салкам ҳожатхонагача эргашардилар. Сталлоне шу даражагача етдики, ҳатто маъшуқасининг пардоз-андоз буюмлари ва кийимларини текширадиган бўлди.

Муносабатларига нуқта қўйилишидан бир ҳафта аввал Слай Андреага Миландан каттагина уй олиб берди. Андреа Визер Слайнинг муваффақият сири ана шунда эканлигини таъкидлайди: “У шунчаки ўзи ёқтирган аёлларни сотиб олади, бунча пуллар олдида ҳеч ким бардош беролмайди!”

1990 йилнинг баҳорида Сталлоне ёш манекенчи Женнифер Флавин билан танишди. У ўз чиройи билан актёрни мафтун этган эди. Қолаверса, Женнифер Слайни севиб қолганди.

Ўқиш давомида у ўз кумирига почта орқали 44 та севги мактуби йўллади. Сталлонени ҳаддан зиёд севиб қолган Флавин танишганларидан бир соат ўтиб, ўз инон-ихтиёрини унга топширди.

Аввалига Слай Женниферга навбатдаги маъшуқасидек қаради. Бироқ, вақт ўтиб, Сталлоне унга шунчаки муносабатда бўла олмаслигини англаб етди: “Мен биринчи марта мени ниҳоятда кучли ва беғараз севадиган аёлни учратдим ва биз бир-биримиз учун яралганимизни тушуниб етдим!” Женнифер ростакан фаришта бўлиб чиқди: у ҳадеб пул сўрайвермас, севгилиси билан учрашиш учун мода намойишидан ҳам воз кечар, асосийси, Сильвестрни сира рашк қилмасди, ваҳоланки, бунга асослар жуда кўп эди. Орадан икки йил ўтиб, Сталлоне яна севги саргузаштларини излай бошлади. Фақат фариштасига жароҳат етказмаслик учун у бу сафар яширин равишда вақтичоғлик қиларди.

Сталлоне Женнифер билан салкам олти йил бирга яшади. Актриса ва манекенчи Женис Дикинсон билан танишиб қолмагунича! Жениснинг ёши ўттиз еттида бўлиб, уч марта эрга тегиб, ажрашган эди. Орадан бир неча ҳафта ўтгач, у ҳомиладор бўлгани ҳақидаги хабар билан Слайни хурсанд қилди. Бахтдан сархуш Сталлоне (“Мен яна ота бўламан!”), ҳатто бола туғилишини кутмай, унга уйланажagini ваъда берди. Аммо ҳали ўртада Женнифер бўлиб, Сталлоне у билан ажрашиши керак эди. Слай изоҳ бериб ўтириш ўрнига Женниферга факс юборди: “Женнифер! Сен билан ўртамазда ҳаммаси тугади. Энди менга ўғил ҳадея этувчи янги аёл бор. Сенга бахт тилайман!” Яна шундай деб кўшиб қўйилганди: “Сенинг Санта-Моникадаги уйимдан лаш-лушларингни олиб чиқиб кетишинг учун икки кун вақтинг бор”.

От айланиб, қозигини топади

Кўп ўтмай, Дикинсон қизалоқ туғди ва Слайдан уни фамилиясига ўтказишини ва тўй қилишини қатъий талаб қила бошлади. Сталлоне бунга тайёр эди, бироқ актёрнинг адвокатлари ишга аралашиб, ҳар эҳтимолга қарши (Дикинсон “таржимаи ҳоли”ни назарда тутиб), қизалоқнинг қон таҳлилини текширишга қарор қилдилар. Ана шунда чақалоқнинг отаси ҳар ким бўлиши мумкинлиги, аммо Слай эмаслиги яққол ойдинлашди. Сталлоне қарахт бўлиб қолди. Женис ҳайратланган кўйи такаббуруна тарзда ўзини четга тортди: “Билмадим, агар Слай бўлмаса, унда бола кимники?”

Дикинсон билан муносабатларига чек қўйгач, орадан икки ҳафта ўтиб, жамоатчилик Сталлонени янги соҳибжамол – 24 ёшли манекенчи Энжи Эберхарт билан кўрди. 1995 йилнинг 10 апрелида Нью-Йоркда уларнинг унаштириш маросими бўлди.

Никоҳдан бир ҳафта ўтиб, Энжи машҳур Карл Лагерфельдга 300 минг доллар турадиган келин кўйлагига буюртма берди (куёвнинг пулига, албатта). Яна у... никоҳ шартномаси тузишни талаб қилиб, машъум хатога йўл қўйди. Слай бир вақтлардаги Брижит Нильсен билан боғлиқ машмашаларни эслади ва Энжига уйланиш фикридан қайтди.

Сталлоне бир оз нафас ростлашга қарор қилди ва ростакамига бахтиёр бўлган кунларини ёдга олди. 1995 йилнинг 5 июнь куни у Женнифер Флавинга қўнғироқ қилиб, кечирим



сўради. Кўп ўтмай, бу ёш манекенчи Санта-Моникадаги виллага қайтди. Ярим йилдан сўнг хушбахт Сильвестр яқинда ота бўлишини айтиб, бутун оламга жар солди.

Эркак учун оила қанчалик муҳимлигини Слай қизи туғилгач, англаб етди. Софи юрак хасталиги билан дунёга келган эди, шу сабабли икки ойлигида уни операция қилишга тўғри келди. Сталлоненинг кўриниши аянчли тус олди: у қизи хасталигини ўзининг гуноҳлари учун Худо берган жазо деб ҳисоблади. Операциядан сўнг у Софининг ёнидан жилмади. Қизалоқ соғайиб кетди. Сталлоненинг Флавинга муносабати тобора илиқлаша борди. “Менинг аҳмоқлигим ва жанжалларимизга қарамай, Женнифер мен билан қолди. У кучли, хотиржам аёл. У кўп гапирмаса-да, борини сўзлайди. У эътиборли ва, эҳтимол, мендан ақлли”, — деди Сталлоне ўзидан йигирма ёш аёли ҳақида.

Сильвестер Сталлоне бугун ҳаи кинода фаол. Ҳолливудда нуфузи борлиги ва кўпмиллионли гонорар олишига қарамай, у кичик ролларни ҳам ижро этади (“Такси-3”), телевизион шоуларда қатнашади ва мультфильм қаҳрамонларига овоз беради.

#### ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР

- ★ Тўлиқ исм-шарифи — Сильвестр Гардэнцио Сталлоне. У чапақай.
- ★ Сталлоне илк жисмоний машғулотларини шаҳардаги ташландиқ жойда олиб борган. У нимаики дуч келса, кўтариб машқ қилган: тормоз барабани, бампер бўлаги, руль колонкаси, цемент, шлак ва қум аралашмасидан иборат енгил бетон...
- ★ Сильвестрда украин-яхудий қони бор, бувисининг келиб чиқиши Одессадан.
- ★ Унинг укаси Фрэнк Сталлоне қўшиқчи ва актёр.
- ★ Тўнғич ўғли Сэйж Сталлоне — актёр, продюсер ва режиссёр эди (аафот этган).
- ★ Экранда Вьетнам урушининг довюрак фахрийси Жон Рэмбо образини гавдалантирган Сталлоне тиббий комиссия томонидан ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган.
- ★ Сталлоне Брюс Уиллисга насиб этган “Қаттиқ ёнғоқ” ва Жон Траволта “Юзсиз” фильмида ижро этган ролларни рад этган.
- ★ Актёрнинг сеvimли ёзувчиси – Эдгар Аллан По.
- ★ Дольф Лундгрэн билан “Рокки-4” фильмини суратга олиш жараёни Сталлоненинг икки ҳафталик шифохонада ётиши билан якун топган. Актёр Лундгрэндан росманасига ҳужум қилишни талаб қилди. Натижада унинг қовурғалари синиб, жонлантириш бўлимида даволанишига тўғри келди. Дольф Лундгрэн контактли каратэ бўйича Европа чемпиони эди. Шифохонада Сталлоне унга аъло даражадаги дубль учун миннатдорчилик билдирди.
- ★ Юз мушаклари машқи учун Слай болалигида сакософон чалишни ўрганган.
- ★ Сталлоне “Пўлат Сталлоне” номли китоб ёзган.